

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон
қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт,
филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик
диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия
этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2022-4-1
Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2022

Бош мұхаррир:

Абдуллаев Икрам Исакандарович, б.ф.д., проф.

Бош мұхаррир ўринбосари:

Хасанов Шодлик Бекпұлатович, к.ф.н., к.и.х.

Таҳрир ҳайати:

Абдуллаев Икрам Исакандарович, б.ф.д., проф.

Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.

Абдуллаев Равшан Бабажонович, тиб.ф.д., проф.

Абдуҳалимов Баҳром Абдураҳимович, т.ф.д., проф.

Аимбетов Нагмет Қаллиевич, и.ф.д., акад.

Бабаджанов Ҳушнұт, ф.ф.н., проф.

Бекчанов Дағрон Жуманазарович, к.ф.д.

Буриев Ҳасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.

Давлетов Санжар Ражсабович, тар.ф.д.

Дурдиева Гавҗар Салаевна, арх.ф.д.

Дүсчанов Баҳтиёр, тиб.ф.д., проф.

Ибрағимов Баҳтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.

Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.

Кадирова Шахноза Абдуҳалимовна, к.ф.д., проф.

Қутлиев Учқун Отабоевич, ф-м.ф.д.

Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.

Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.

Мирзаев Сироҷиддин Зайнисович, ф-м.ф.д., проф.

Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.

Рашидов Негмурод Элмурадович, б.ф.н., доц.

Рӯзибоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.

Рӯзметов Баҳтияр, и.ф.д., проф.

Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.

Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.

Сапарбаева Гуландам Машариповна,

ф.ф.ф.д.

Сапаров Каландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.

Сироҷсов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.

Сотипов Гойиназар, қ/х.ф.д., проф.

Тожибаев Комилжон Шаробитдинович,
б.ф.д., академик

Холлиев Аскар Эргашевич, б.ф.д., проф.

Холматов Баҳтиёр Рустамович, б.ф.д.

Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.

Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д.,
проф.

Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.

Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.

Ўразбоев Файрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.

Ўрзобоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.

Ҳажсиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.

Ҳасанов Шодлик Бекпұлатович, к.ф.н., к.и.х.

Худайберганова Дурдона Сидиковна, ф.ф.д.,
проф.

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№4-1 (88), Хоразм
Маъмун академияси, 2022 й. – 281 б. – Босма нашрнинг электрон варианті -
<http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм
Маъмун академияси

**МУНДАРИЖА
БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

| | |
|--|----|
| Bazarova R.SH., Sabirova M.SH., Nasirova G.B., Xolmuratov E.G. Ananas (<i>Ananas somosus</i> (L.) Merr) o'simligini <i>in vitro</i> sharoitida ko'paytirish | 6 |
| Bekchanov N.X., Raximov M.Sh., Bekchanov M.X. Xorazm vohasi sabzi agrosenozi ayrim coccinella, propyela, hippodamia, Oenopia avlodi xonqizi qo'ng'izlariga (Coleoptera, Coccinellidae) bioekologik tavsif | 8 |
| Boltayev K.S., Shomurodova G.T. Qora tol – <i>Salix excels</i> S.C. nematodafaunasining mavsumiy dinamikasi | 11 |
| Ismatova M.Sh. Yurak faoliyatiga arterial gipertenziyaning salbiy ta'siri | 14 |
| Raxmatullayev A.Y., Ismoilova G.N. Qashqadaryo suv havzasi ixtiofaunasi | 15 |
| Turaev D.Sh., Nadjiev J.N. O'zbekiston janubida baqlajon seleksiyasining samaradorli | 18 |
| Абдураимов О.С., Абдуллаев Ф.Х., Алламуротов А.Л., Мавланов Б.Ж., Қурбонов О.А. Маданий ўсимликларнинг Ўзбекистон флорасидаги ёввойи аждодларининг иқтисодий аҳамияти | 21 |
| Ачилова Н.Т., Қузиева С.Ў. Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флораси полиморф оиласлари ва унинг таркиби | 25 |
| Болтаева З.А., Холлиев А.Э. Fўza навларига абиотик омиллар таъсирининг физиологик хусусиятлари | 28 |
| Бўриев С.Б., Шодмонов Ф.Қ., Юлдошов Л.Т. Денгизкўл сувларидаги фитопланктонлар турларини аниқлаш | 32 |
| Буриев Х.Ч., Абдуллаев С.Б., Каримов Б.Т., Жураев Э.Б. Зайтун (<i>Olea europaea</i> L.) ва бирючина (<i>Ligustrum vulgare</i>) ўсимликларининг совуққа бардошлилигини белгиловчи физиологик ва биокимёвий кўрсаткичлар | 34 |
| Исламов Б.С. Биология семян кузинии золотистой (<i>Cousinia aurea</i> Winkl) | 38 |
| Мамажанова О.С., Алейник В.А., Худаярова А.Г., Бабич С.М. Влияние белково-полисахаридного взаимодействия на изменение гидролиза крахмала слюнной амилазой | 44 |
| Мамбетуллаева С.М., Тлегенов М.Т. Анализ сопряженной биотопической изменчивости симпатических видов грызунов в низовьях Амударьи | 48 |
| Мирзаева А.У., Акрамова Ф.Д., Шапаотов Р.Қ., Ишимов У.Ж., Торемуратов М.Ш. <i>Hyalomma anatomicum</i> ва <i>Rhipicephalus bursa</i> каналар сўлагининг биоактив таркиби ва токсик хусусиятлари | 52 |
| Мукумов И.У., Хасанов М.А. Распространение семейство Apiaceae Lindl во флоре туркестанского хребта | 58 |
| Назарова Ф.А. Атмосфера, сув ва тупроқ ресурслари мулоғазаси | 61 |
| Остонакулов Т.Э., Турсунов Г.С., Шамсиев А.А., Амантурдиев И.Х. Сорта и агротехнологии сладкого картофеля (батата) при возделывания в основной и повторной культуры | 64 |
| Сафаров А.А., Бердибаев А.С., Усмонов М.М. Ўзбекистонда қамиш мушуги (<i>Felis chaus</i>) гельминтофаунасига оид янги маълумотлар | 71 |
| Султансуйнов А.С., Матчанов А.Т. Особенности кардиогемодинамики спортсменов в условиях Республики Каракалпакстан | 74 |
| Тошқўзиев М.М., Бобоноров Б., Бердиев Т.Т. Сирдарё вилояти сугориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларининг ювилиш натижасида хосса-хусусиятларини ўзгариши | 77 |
| Холмурадова Т.Н., Тешабоева Ш.А., Абдуллаев И.И. Ўзбекистонда тарқалган <i>Cydonia oblonga</i> Mill. нинг патоген замбуруғлари | 81 |
| Эрматова Г.З. Ўзбекистонда тарқалган <i>Bromus</i> L. туркуми турларини ўрганишга доир | 86 |

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ

| | |
|--|-----|
| Ishmuradov Sh.U., Abdumajidov R.B., Xudoyberdiyev M.A. Faol ishchi organli mashina pichoqlarining konstruksiyasini takomillashtirish | 91 |
| Ishmuradov Sh.U., Xudoyberdiyev M.A., Abdumajidov R.B. Sferik diskli ish organlari resursini oshirish | 93 |
| Oymatov R.K., Astonov S., Aminova G. Qishloq xo'jaligining elektron xaritasini yaratishning texnologik tizimini ishlab chiqish | 96 |
| Samandarov E.I., Nazarova G.B., Pirova M.Q. Ekologik toza veshenka qo'ziqorinini uy sharoitida yetishtirishda talab qilinadigan suv me'yori | 101 |

Учликнинг сўнгидаги Сагуophyllaceae оиласи (Чиннигулдошлар). Оиланинг 10 туркуми 26 тури мавжуд. Оила мансуб турлар кўплиги *Silene* (6), *Spergularia* (4), *Stellaria* (3) туркумлари ташкил этади. Оила вакилларини Тоғли Урта Осиё провинциясидаги барча флораларда деярли бир хил микдорда тарқалганлигини кўриш мумкин.

Хулоса. Флора учун полиморф санаалган оилалар флоранинг негизини ташкил этиши билан бирга флоранинг қандай ҳолатда эканлиги билиш имконини беради. Мазкур флорада ўзига хос бўлган, текислик ва тоғли флорани ўзаро боғлаб турувчи, асосий кўприк вазифасини бажарувчи элементлар мавжуд эканлиги билан ҳам изоҳланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Папов В.А.. Ботанико-географическое районирование Узбекистана//Ботанический журнал 2016, №10.
2. Хасанов Ф.О. Эндемичные растения юго-западных отрогов Гиссарского хребта//Узб.биолог.журн. 1990. № 3. С. 41-45.
3. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби».—Тошкент: Chinor ENK,2009.T.1.–86,1786.
4. F.O. Khassanov, U. Khuzhanazarov, N. Rakhimova, N.Achilova...Two new species of Iris L.(Iridaceae Juss.) from Uzbekistan. - Stapfia, 2013
5. F.O. Khassanov, N Rakhimova, N Achilova “One More New Species of Iris L. from Uzbekistan” Stapfia, 2013
6. F.O. Khassanov, D.T. Khamraeva, U. Khuzhanazarov, N.Achilova “A new species from genus Plocama L.(Rubiaceae Juss.) from Middle Asia” Stapfia, 2014 - zobodat.at
7. F. Khassanov, K. Tojibaev, N. Beshko...“Synopsis of the Genus Plocama (Rubiaceae) in the Flora of Uzbekistan”- JOURNAL OF, 2019

УЎК

ГЎЗА НАВЛАРИГА АБИОТИК ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИНГ ФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

З.А.Болтаева, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро
А.Э.Холлиев, проф., Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Маъқолада гўза навларининг физиологик хусусиятларига стресс омиллардан сув танқислиги таъсирини ўрганиши бўйича олинган маълумотлар келтирилган. Лаборатория ва дала тажрибалари давомида гўза навлари баргларидаги қолдиқ сув танқислиги, баргларда борадиган фотосинтез жадаллигининг сув стресси таъсири натижасида ҳар хил даражада ўзгариши баҳоланган. Навлар кесимида ўрганилган бу кўрсаткичлар қийматининг ўзаро тескари боғлиқ ҳолда ўзгариши уларнинг биологик ва индивидуал хусусиятларига боғлиқлиги аниқланган.

Калим сўзлар: гўза, стресс омиллар, қурғоқчилик, сув танқислиги, фотосинтез жадаллиги, қолдиқ сув танқислиги.

Аннотация. В статье представлены данные изучения влияния дефицита воды от водного стресса на физиологические особенности сортов хлопчатника. В ходе лабораторных и полевых опытов оценивали различную степень изменчивости остаточный дефицит воды и интенсивности фотосинтеза листьях в результате водного стресса. Установлено, что обратная зависимость между значениями этих показателей изучаемых в пределах сортов зависит от их биологических и индивидуальных особенностей.

Ключевые слова: хлопчатник, стресс факторы, засуха, водный дефицит, интенсивность фотосинтеза, остаточный водный дефицит.

Annotation. The article deals with the data on the effect of stress factors on the physiological properties of cotton varieties and water deficiency. During laboratory and field experiments, residual water deficiency in the leaves of cotton varieties, varying degrees of variation in the intensity of photosynthesis in the leaves as a result of water stress were assessed. It was found that the inverse relationship between the values of these indicators studied in the cross-section of varieties depends on their biological and individual characteristics.

Key words: cotton, stress factors, drought, water shortage, photosynthesis intensity, residual water deficiency.

Кириш. Маълумки, табиатда кузатилаётган глобал экологик ўзгаришлар, ноқулай стресс омилларнинг кучайиб бораётганлиги, ўта юқори ҳарорат, қурғоқчилик, шўрланиш ва бошқа абиотик омиллар узоқ давом этаётганлиги қишлоқ хўжалигига, хусусан пахтачиликка жуда катта зарар келтираётганлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир вилоят тупроқ-иклим шароитларига мос, ноқулай абиотик омилларга чидамли ва мослашувчан гўза навларини танлаш ва тўғри жойлаштириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда курғоқчил шароитга мослашган ғўза навларини етишириш ва юқори ҳосил олиш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда пахта етишириш, уни қайта ишлаш, жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш, янги районлаштирилган ва истиқболли, тезпишар, серҳосил, тола ва чигит сифати юқори, касаллик ва ҳашаротларга чидамли, вилоятларнинг табиий тупроқ-иқлим ва мелиоратив шароитларига мос келадиган ғўза навларини парваришлаш агротадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда илмий асосланган ҳолда дехқончилик тизимиға киритиши пахтачилик соҳасини ривожлантиришнинг асосий мезонидир.

Худудларда ўсадиган ўсимликларнинг сув алмашинуви ва сув таъминоти масалалари, шунингдек, курғоқчилик, шўрланиш ва юқори ҳароратнинг салбий таъсири ҳозирги вақтгача етарли даражада ўрганилмаган. Ушбу муаммони ўрганишнинг ўзига хос қийин томонлари шундан иборатки, бунда ўсимликларга бу каби стресс омиллар баъзан биргаликда таъсир қиласди. Тупроқда тўплланган тузлар тупроқ эритмасининг осмотик босимини оширади, курғоқчилик эса илдиз тизими орқали сувнинг киришини қийинлаштираса, юқори ҳарорат ва гармсел шамоллар физиологик ва биокимёвий жараёнларни ўзгартириб, ўсимликлар танасида сув танқислигини келтириб чиқаради [1].

Сув танқис шароитида фотосинтезни ўрганиш бўйича олинган маълумотларга қараганда, кўпчилик ўсимликларда сув танқислигининг таъсири натижасида CO₂ диффузияси бирмунча фаоллашади. Давомли курғоқчиликнинг кейинги этапларида фотосинтетик фаоллик пасаяди. Сувнинг йўқотилиши ҳисобига фотосинтезнинг пасайиши кўпинча оғизча қаршилигининг кучайиши ҳисобига ҳам содир бўлади. Курғоқчилик таъсирида фотосинтез маҳсулотларининг синтезланишига кўра уларнинг сарфланиши секинлик билан боради. Натижада барглар таркибида қанд миқдори кўпаяди. Курғоқчилик шароитида ҳосилнинг пасайишига кўпчилик ҳолатларда фотосинтез депрессияси эмас балки, ўсиш жараёнларининг секинлашиши ҳам сабаб бўлади [2].

Ноқулай экологик омилларнинг энг кучли салбий таъсири ғўзанинг сувга бўлган талабчан – критик даври, яъни гуллаш боскичига тўғри келади. Айни шу пайтларда тупроқда сув етишмаслиги тупроқ шўрланиши ва юқори ҳаво ҳарорати биргаликда ғўзада кечадиган физиологик ва биокимёвий жараёнларга салбий таъсир қилиши оқибатида ҳосил салмоғи ва унинг сифат кўрсаткичлари пасаяди. Шунинг учун ҳам бундай ноқулай абитик омиллар таъсирига чидамли бўлган ғўза навларини муайян тупроқ ва иқлим шароитларидан келиб чиқсан ҳолда районлаштириш муҳим аҳамиятга эга [3].

Тадқиқот обьектлари ва услублари. Тадқиқотларнинг обьекти сифатида ўрта толали ғўза навлари гурухига мансуб бўлган Бухоро–8, Бухоро–102, Бухоро–10, Султон ва Андижон–35 навларидан фойдаланилди. Ҳозирги вақтда ушбу навлар республикамизнинг қатор вилоятларида кенг майдонларга экилмоқда. Тажрибалар давомида вилоятда кенг тарқалган ўтлоқи -аллювиал тупроклардан фойдаланилди. Бундай тупроқлар Бухоро вилоятининг асосий майдонларини ташкил қиласди. Тажрибалар учун олинган тупроқнинг намлиги ва нам сифими аниқланди, ва шу асосда 1) мўътадил ва 2) чекланган намлик вариантлари ташкил этилди. Барча тажрибалар лаборатория ва дала шароитида олиб борилди. Тажрибалар жараённада ғўза навларига абиотик омиллардан сув таъминотининг физиологик хусусиятларини ифодалайдиган кўрсаткичлардан –барглардаги қолдик сув танқислиги [4] ва фотосинтез жадаллиги [5] аниқланди.

Тадқиқот натижалари ва унинг муҳокамаси Қатор олимлар томонидан қишлоқ ҳўжалик ўсимликларининг курғоқчиликка бўлган чидамлилик даражасини аниқлашда ушбу кўрсаткичлардан кенг фойдаланилган. Маълумки, курғоқчилик ўсимликлар томонидан сувнинг қабул қилиниши ва сарфланишига ҳам таъсир қилиб, сув балансида ўзгаришлар пайдо бўлади ва ўсимлик органларида, айниқса унинг баргларида сув танқислиги юзага келади. Ҳаво ҳарорати юқори ва унинг нисбий намлиги паст бўлган, айниқса тушки соатларда ўсимликлар баргida сув танқислиги юқори бўлади. Бу эса ўсимликларда кечадиган сув алмашинувига салбий таъсир кўрсатади [6].

Ғўза кўпинча тупроқда сув етишмаслиги (тупроқ курғоқчилиги), ҳаво ҳароратининг айниқса ёз ойларида юқори (45–50 °C) ва нисбий намлиknинг паст бўлиши (атмосфера курғоқчилиги), тупроғи шўрланган худудларда (физиологик курғоқчилик) ва бошқа омилларнинг салбий таъсирига дуч келади. Бундай омилларнинг биргалиқдаги таъсири натижасида ғўза ўсимлигига кечадиган физиологик ва биокимёвий жараёнлар, жумладан ўсимликларнинг сув ва озиқ моддаларни қабул қилиши, унинг ўсимлик танаси бўйлаб ҳаракатланиши ва тақсимланиши ҳамда сув сарфи ўртасидаги мутаносиблик бузилади.

Баргларнинг қолдик сув танқислигига намлик таъсирини баҳолаш бўйича олинган маълумотларга қараганда, қолдик сув танқислиги иккала намлик шароитида ҳам барча навларда шоналаш ва кўсаклаш боскичларига қараганда гуллаш боскичида анча юқори бўлиши кузатилди.

Тупроқ намлиқ даражасининг камайиб бориши билан барча ўрганилган навларда ушбу кўрсаткичнинг қиймати анча юқорилиги билан характерланади. Тупроқда намлиқ даражасининг пасайиши билан қолдиқ сув танқислиги қийматининг ошиши аниқланди.

Ўсимликлар узоқ вақт тупроқ курғоқчилиги ҳамда шўрланган шароитида ўстирилса, кундузги сув танқислиги ошиб, кечқурунги соатларда ҳам барг ҳужайралари тургор ҳолатига қайтмайди. Натижада эрталабки соатларда барг ҳужайраларида қолдиқ сув танқислиги кузатилади. Қолдиқ сув танқислигининг пайдо бўлиши ўсимликлардаги сув алмашинувига жиддий таъсири кўрсатади [7].

Тупроқ намлиги оптимал бўлган шароитда Бухоро–10 навида шоналаш босқичида- 1,62 %, гуллаш босқичида -2,45, кўсаклаш босқичида-1,45%, Бухоро–8 навида эса шоналаш босқичида- 1,33 %, гуллаш босқичида -1,86 кўсаклаш босқичида-1,02%, Бухоро –102 навида эса шоналаш босқичида- 1,35 %, гуллаш босқичида -1,91 кўсаклаш босқичида-1,14%, Андижон–35 навида шоналаш босқичида- 2,18 %, гуллаш босқичида -3,09%, кўсаклаш босқичида-2,09%, Султон навида шоналаш босқичида- 2,06 %, гуллаш босқичида -2,71% кўсаклаш босқичида-2,31% ни ташкил қилганлиги тажрибалар давомида аниқланди.

Тупроқ намлиги чекланган бўлган шароитда Бухоро–10 навида шоналаш босқичида- 2,06 %, гуллаш босқичида -2,94 кўсаклаш босқичида-1,79%, Бухоро–8 навида эса шоналаш босқичида- 1,52 %, гуллаш босқичида -2,33, кўсаклаш босқичида-1,41%, Бухоро–102 навида эса шоналаш босқичида- 1,64 %, гуллаш босқичида -2,52%, кўсаклаш босқичида-1,52%, Андижон–35 навида шоналаш босқичида- 2,57%, гуллаш босқичида -2,86 кўсаклаш босқичида-2,58%, Султон навида шоналаш босқичида -2,44 %, гуллаш босқичида -3,55, кўсаклаш босқичида -2,48% ни ташкил қилганлиги аниқланди.

Барча чекланган намлиқ шароитидаги вариантларида сув танқислигининг қиймати оптимал намлиқ вариантларига қараганда анча юқори бўлди. Юқоридаги кўрсаткичлар бўйича ўрганилган навлар ўртасида анча фарқлар кузатилди. Энг юқори қолдиқ сув танқислиги барча ривожланиш босқичларида Андижон –35 навининг чекланган намлиқ шароитда ўстирилган ўсимликларида аниқланди. Намлиқ даражасининг пасайиши билан ушбу кўрсаткичлар қийматининг ошиши кузатилди. Энг паст қиймат Бухоро – 8 навининг оптимал намлиқ шароитида ўстирилган вариантларида кузатилди. Бу кўрсаткич бўйича оралиқ ўринларни Бухоро –102, Бухоро–10 ва Султон навлари эгаллади.

Тупроқ намлиқ даражаси оптимал ва чекланган мухитида ўрганилган барча ғўза навларида қолдиқ сув танқислиги қиймати ўсимликларнинг биологик ва индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда ҳар хил бўлди. Олинган маълумотларга қараганда, юқоридаги кўрсаткичлар бўйича Бухоро–8 нави олдинги ўринни ва Андижон –35 нави охирги ўринни эгаллади. Қолган учала нав эса оралиқ ҳолатда.

Маълумки, ҳаво ҳарорати юқори ва унинг нисбий намлиги паст бўлганда, айниқса тушки соатларда ўсимликлар баргида сув танқислиги кузатилади. Бу кўрсаткич қийматининг ошиши эса ўсимликларда кечадиган сув балансига салбий таъсири кўрсатади.

Ғўза навлари баргларида қолдиқ сув танқислиги бўйича олинган маълумотларга қараганда, барглардаги қолдиқ сув танқислиги барча вариантларда шоналашдан кўсаклаш босқичигача ошиб боради. Стресс омиллар таъсири даражасининг ошиши билан мос равишда қолдиқ сув танқислиги қийматининг ҳам ошиши қайд этилди. Тупроқ намлиқ даражаси ҳар хил бўлган мухитда ўстирилган барча ғўза навларида қолдиқ сув танқислиги қиймати ҳаво ҳарорат даражаларига ҳамда ўсимликларнинг биологик ва индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда ҳар хил бўлиши қайд этилди.

Ўрта Осиё шароитида дехқончилик суғорищсиз ривожланмайди. Сув дехқончилик учун асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бошқа ташки омилларга ўхшаш (ҳаво ва тупроқ ҳарорати, тупроқ намлиги) пахтачиликда муҳим аҳамиятга эга. Тупроқ сатҳидан ва ўсимлиқдан сувнинг буғланиши кўпинча ҳаво ҳарорати ва унинг нисбий намлиқ даражасига боғлиқ. Айрим ҳолларда ҳаво намлиги юқори ҳарорат ва шамол билан қўшилиб, курғоқчилик ва гармсел ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Бундай экологик омиллар ўсимликларнинг физиологик жараёнига салбий таъсири кўрсатади ҳамда ғўзадаги шоналар ва гуллар тўкилишига олиб келади [1].

Ўсимликларни сув билан етарли даражада таъминлаш фотосинтез учун катта аҳамиятга эга. Чунки, барг тўқималарида ҳужайраларнинг тургор ҳолати пластидаларнинг фаол ишлари билан бевосита боғлиқ. Акс ҳолда ўсимликларнинг умумий фотосинтетик маҳсулдорлиги пасаяди [8].

Тадқиқотларимиз давомида дала тажрибалари шароитида ғўза навлари фотосинтез жадаллигига ҳар хил даражадаги тупроқ намлиқ даражасининг таъсири ўрганилди. Фотосинтез жадаллигига сув танқислиги таъсирини баҳолаш мақсадида

дала тажрибалари ўтказилди. Ушбу кўрсаткичнинг қиймати ғўза навларининг шоналаш, гуллаш ва кўсаклаш босқичларида аниқланди. Табиий шароитда ўсуви маданий ўсимликлар ўзларининг ўсиши ва ривожланиши давомида ташқи муҳитнинг ноқулай омиллари (тупроқ курғоқчилиги ва юқори ҳарорат) таъсирига дуч келиб, сув алмашинуvida ўзгаришлар кузатилади.

Навларнинг фотосинтез жадаллиги тажрибаларимиз давомида икки хил шароитида, яъни оптималь ва чекланган намлик шароитларда аниқланди. Ўрганилган барча оптималь намлик вариантиларида чекланган намлик вариантиларида қараганда, ушбу кўрсаткич қиймати юқори бўлди. Тупроқдаги намликнинг камайиб бориши фотосинтез жадаллигини анча секинлаштириди.

Фотосинтез жадаллиги ғўза навларининг гуллаш босқичида шоналаш ва кўсаклаш босқичларида қараганда анча юқори бўлиши аниқланди. Тажрибаларимиз давомида навларнинг шоналаш ва кўсаклаш босқичида, айниқса чекланган намлик фотосинтез жадаллигига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. Натижада чекланган намлик барча навларнинг фотосинтез жараёнининг секинлашишига сабаб бўлди. Фотосинтез жадаллиги ғўза навларининг ривожланиш босқичларида ҳар хил қийматга эга бўлиши қайд этилди.

Жумладан, фотосинтез жадаллиги шоналаш босқичида Бухоро–10 навининг оптималь шароитида $1,38 \text{ г}/\text{м}^2\text{-соат}$ ва чекланган шароитида эса $1,10 \text{ г}/\text{м}^2\text{-соат}$, Бухоро–8 навида оптималь шароитида $1,68 \text{ г}/\text{м}^2\text{-соат}$ ва чекланган шароитида $1,44 \text{ г}/\text{м}^2\text{-соат}$, Бухоро–102 навида оптималь шароитида $1,64 \text{ г}/\text{м}^2\text{-соат}$ ва чекланган шароитида $1,36 \text{ г}/\text{м}^2\text{-соат}$, Андижон–35 навида оптималь шароитида $1,18 \text{ г}/\text{м}^2\text{-соат}$ ва чекланган шароитида $0,90 \text{ г}/\text{м}^2\text{-соат}$, Султон навида эса оптималь шароитида $1,30 \text{ г}/\text{м}^2\text{-соат}$ ва чекланган шароитида $0,09 \text{ г}/\text{м}^2\text{-соатни ташкил килди.}$

Ғўза навлариниг шоналаш босқичида қайд этилган боғлиқлар гуллаш ва кўсаклаш босқичларида ҳам кузатилди. Шу билан биргаликда қисман фарқли жиҳатлар ҳам аниқланди. Яъни, гуллашда кўсаклаш босқичига қараганда фотосинтез жадаллиги юқори бўлиши кузатилди. Бу босқичларда ҳам барча ғўза навларининг фотосинтез жадаллигига чекланган намликнинг салбий таъсири кузатилди. Барча вариантиларда фотосинтез жадаллиги чекланган намлик шароитида ўстирилган ўсимликларда секинлашиб бориши кузатилди.

Шундай қилиб, фотосинтез жадаллиги бўйича олинган маълумотлар ушбу жараённинг фаоллиги тупроқ намлик даражасига, шунингдек ўсимликларнинг ривожланиш босқичларида ҳамда биологик хусусиятларига боғлиқлигини кўрсатди. Чекланган намлик фотосинтез жадаллигининг кескин пасайишига олиб келди. Ушбу кўрсаткич қиймати бўйича навлар ўртасида фарқлар ҳам аниқланди. Бунда Бухоро–8 ва Бухоро–102 навларида бошқа навларга нисбатан ушбу жараён қийматининг юқорилиги қайд этилди.

Хулоса. Бухоро вилояти шароитида ноқулай экологик сув стресси омилиниң таъсирида ўрганилган барча ғўза навларида қолдик сув танқислигининг ошиши ва айни пайтда фотосинтез жадаллигининг секинлашишига таъсир кўрсатиши қайд этилди. Ғўзанинг физиологик кўрсаткичларига абиотик омиллардан намлик кучли таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам ноқулай муҳит омилларига бардошли ғўза навларини ўрганиш ва илмий асослаш ҳамда етишириш муҳим вазифалардан биридир. Ўрганилган Бухоро–8 ва Бухоро–102 навларининг сув стрессига бардошлилик даражаси бошқа навларга қараганда юқори бўлди. Лаборатория ва дала тажрибалари давомида ғўза навлари баргларидаги қолдик сув танқислиги, баргларда борадиган фотосинтез жадаллигининг сув стресси таъсири натижасида ҳар хил даражада ўзгариши баҳоланди. Навлар кесимида ўрганилган бу кўрсаткичлар қийматининг ўзаро тескари боғлиқ ҳолда ўзгариши уларнинг биологик ва индивидуал хусусиятларига боғлиқлиги аниқланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1.Холлиев А.Э., Норбоева У.Т. Ғўза ва бошқа экинларга қурғоқчилик таъсирининг экофизиологик асослари. – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2019. – 152 б. (монография).
- 2.Холлиев А.Э. Ўсимликларнинг ноқулай абиотик омиларга чидамлилик хусусиятлари.- Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2019. – 130 б. (монография).
3. Ахмедова Д., Акбаров Р.Ғўза навларига баҳо беришда экологик физиологияни аҳамияти ФарДУ Илмий хабарлар 2016 № 4, 22 б.
- 4.Третьяков Н.Н., Карнаухова Т.В., Паничкин Л.А. Практикум по физиологии растений. -М.: Агропромиздат, 1990. -271 с.
- 5.Кушниренко М.Д., Гончарова Э.Л., Курчатова Г.П. Методы сравнительного определения засухоустойчивости плодовых растений//Методы оценки устойчивости растений к неблагоприятным условиям среды: -Тр. ВАСХНИЛ. - М.: Колос, 1986.-С. 87-101.
6. Ахмедова Д., Назаров М. “Турли экологик омилларнинг ғўза ўсиб-ривожланишига таъсири” АгроВИМ 2013 2 (26)
- 7.Холлиев А.Э., Норбоева У.Т. Ғўза ва бошқа кишлөк хўжалик ўсимликларининг қурғоқчилигига чидамлилигини аниқлашнинг тезкор экофизиологик усуллари. – Бухоро: «Дурдана» нашриёти, 2015. – 52 б.